

ТИЛНИНГ СЕМИОТИК СИСТЕМАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6050782>**Хавасхон Шокирова***Фарғона политехника институти**“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доценти*

Аннотация: *Мазкур мақолада тилнинг семиотик системаси ва структураси ҳамда семиотиканинг белгилар системаси экани ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *семиотика, семантика, сигматика, синтактика, прагматика, белги, лингвосемиотика, табиий белгилар, сунъий белгилар.*

Тил борлиқни идрок ва ифода этиш қуролидир. Маълумки, билиш фаолияти инсоннинг воқеликни бевосита сезиши, ҳис этиши, идрок этиши билан бошланади. Сизги идроки тафаккурда воқелик рамзининг шаклланиши учун замин тайёрлайди. Тил барча соҳаларнинг негизи ҳисобланади. Фанлараро кўҳна ҳисобланган семиотика неча асрлардан буён инсон тафаккури ва идрокида сайқалланиб, қанча-қанча тадқиқу таҳлиллар асносида шаклланиб келмоқда. Семиотика йиллар давомида фанлар шоҳи бўлиб келди. У ҳақдаги тадқиқотлар бардавом саналиб, очилмаган қирралари ёритилиши натижасида соҳа янада ёшариб, янги тадқиқотларга бешик бўлаётгани бежиз эмас, албатта.

Семиотика (юнонча, semeiotikos – “белгилар ҳақидаги таълимот”), яъни семиология, биринчидан, ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ва белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси ҳисобланса, иккинчидан, у ёки бу объект ва предметнинг бир маънодаги семиотика нуқтаи назаридан ўрганиладиган тизимидир, масалан, бадиий асар семиотикаси ёки маълум бир журнал, санъат асари, муайян халқдаги муомала-мурожаат семиотикаси ва бошқалар бунга мисол бўлади¹. Семиотика белгилар системаси ҳақидаги фандир. Шунга

¹Ўзбекистон миллий энциклопедияси. С ҳарфи. –Т.:ЎзМЭ, 2018.–Б 293. www.ziyouz.com кутубхонаси.

кўра семиотика белгилар системасига хос бўлган умумий хусусиятларни ўрганади. Семиотика белгиларни, белгилар системасига кирувчи ҳодисаларни, уларнинг табиати, моҳияти, турлари, кўринишлари, амал қилиши каби жараёнларни текширади. Семиотика, айтилганидек, белгилар назарияси ҳақидаги таълимот бўлиб, унинг муайян йўналиши сифатида тилшунослик ва семиотиканинг ўзаро мақсадли алоқага, муносабатга киришишидан тилшунослик фанининг лингвосемиотика деб аталувчи соҳаси шаклланади. Демак, тил иккиламчи белгилар системаси сифатида лингвосемиотиканинг текшириш объекти ҳисобланади, яъни лингвосемиотика тилнинг белгилик табиатига эгаллигини, ахборот узатувчи тил бирликларининг хусусиятларини тадқиқ қилади.

Маълумки, тил - тил (нутқ) бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, гап ва бошқалар) муайян белгилар сифатида маъно, тушунча, фикр ифодалайди. Улар маъно, тушунча, фикр кабиларнинг рамзи ёки белгиси бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, Фердинанд де Соссюр тил ғоя ва фикр ифода этувчи белгилар системасидир, дейди². Семиотиканинг текшириш объекти жамият томонидан фаол қўлланадиган белгилар системаси бўлиб, улар инсон пайдо бўлибдики, жамиятга хизмат қилади. Бошқача айтганда, белгилар системаси ҳам жамият каби қадимийдир. Демак, белгилар системаси жамият билан бирга пайдо бўлади, унда акс этади, чунки улар инсон фаолияти туфайлигина ҳосил бўлади, шу фаолият орқали ҳаракатга келади, муайян вазифа бажаради, инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланади³. Дарҳақиқат, инсон фаолияти, яшаш тарзи, тушунчалари, фикр ифодаси, маъно – булар ҳаммаси белги бўлиб, инсон ҳаётини қамраб олади, унинг фаолият йўналишини белгилаб беради.

Мазкур ишда лингвосемиотик структура асосини ташкил этаётган белги ҳар бир соҳани қандай вужудга келтиради, унга қандай сифат ўзгаришлар киритади, семиотик назариянинг семантика, синтактика, прагматика ҳамда сигматика сатҳларининг алоҳида категория сифатидаги потенциаллари нималарда кўринади, тилнинг лингвосемиотик структураси қандай

² Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики (извлечения) // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. – М., 1956. – 432 с.

³ Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики (извлечения) // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. – М., 1956. – С. 336. 432 с. Серебрянников Б. Общее языкознание. – М.: Наука, 1970. – 597 с.

шаклланади, тарзидаги саволларга тилнинг белгилик хусусиятлари нуқтаи назаридан жавоб топишга ҳаракат қилинади. Тилни шартли белгилар системаси деб ҳисоблаган Ф.де Соссюрни ёқлаб чиққан Ч.Моррис⁴ ҳам тилни умумийлик ва хусусийлик кўринишида бўлган фан сифатида эътироф этади. Шу сабабдан ушбу диссертацияда семиотик бирликларни, яъни Ч.Пирс⁵ илк бор белгиланган белгилар: санам (иконик), индекс ва символ белгиларни лисоний концепция сифатида ўрганиб, тилдаги ифодасини ёритишга ҳаракат қиламиз. Негаки, ҳаётда учрайдиган ушбу белгиларни ҳар куни қўллаш доирасида биз улардан мақсадли фойдаланамиз. Мақсадимизни амалга оширишда кўмак берадиган, яқинлик, боғлиқлик асосида ишора берадиган (индекс), шартли фарқини кўрсатадиган (символ), ўхшашлигига кўра ифодаланадиган (санам-иконик) белгилар фикримизни далиллайди.

Семиотик сатҳ олимлар томонидан учга бўлиб ўрганилди. Булар семантика, синтактика ва прагматикадир. Ушбу парадигмага олим Г.Клаус сигматикани киритганига қарамай, замонавий лингвистика бу фикрни фараз сифатида қабул қилди ва мазкур масала тўла-тўқис ҳал этилмади. Г.Клауснинг ўзи ҳам ушбу тўртинчи парадигмани тўлиқ асослай билмади⁶. Олмон семиотики В.Нёт “Сигматик мезонни ажратиб қўйиш – семиотик жараённинг муҳим қисми бўлган интерпретаторнинг назардан четда қолишига сабаб бўлади”, деган фикри билан сигматикани семиотика таркибига киритувчи қарашларни биринчилардан бўлиб ёқлаб чиқди⁷. Т.П.Ломтевнинг таъкидлашича, лингвистик белги маъно моҳиятининг (сигнификат) конвенционалигини эмас, балки объективлигини эътироф этиш муҳимдир. Белги маъноси ва объект ўртасида акс эттириш муносабати мавжуд. Кўп ҳолларда сигнификат объектив оламда корреляти бўлмаган, инсон томонидан сунъий равишда ҳосил қилинган тимсолни билдириши мумкин: *дев*, *пари*, *ажина* ва бошқалар. Бу вақтда белгида олам қиёфасини онг томонидан

⁴ Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Академ. Проект, –2001. – С. 45- 97.; Моррис Ч.У. Значение и значимость.Н.Й.Философская энциклопедия, 1964. –330 с.

⁵ Пирс Ч.С. Принципы философии.-СПб.:С.- Петерб.филос.ово, 2001,- С. 94. Пирс Ч.С. Избранные философские произведения.-М.:Логос, 2000.-412с. Пирс.Ч.С. Рассуждение и логика вещей.Лекции для Кембриджских конференций 1898/с “Введением”- М.:РГГУ, 2005.-376с.; Пирс.Ч.С.Что такое знак? Вестн.Томского гос.унта.Сер.Философия. Социология. Политология. –2009.-№3(7). –С.88-95.

⁶ Клаус Г.Сила слова.М.:Прогресс,1967.https://ru.m/org>wiki.Klaus_Georg

⁷ North V.Supreme Court of Appeals of West Virginia. Bd. Of Regents.1985.Law.justia.com., НурмоноваА.Танланган асарлар .1-жилд.Т.: Академнашр, 2012.-Б 65.

ижодий тўлдирилган хаёлий предметлар акс этади. Мазкур фикрни олға сурган олим айнан сўзма-сўз бўлмаса-да, сигматик мезоннинг мавжудлигига ишора қилади⁸. А.Нурмонов рисоаларида семиотик белгининг тўрт томони ҳақидаги мулоҳазаларга қўшилади⁹, Ш.Сафаров эса сигматикани семиотиканинг тўртинчи қисми эканлиги ҳақидаги фикрларни рад этади¹⁰. “Фикримча, лисоний белгининг “матнда қўлланиши” ёки “нутқий фаоллашуви” деган қўлланишнинг ҳар бир конкрет мисолини назарда тутмасдан, балки қўлланиш типлари ва алоҳида типик ҳолатлари ҳақида гапирган маъқулроқдир. Чунки типик қўлланиш маълум лисоний жамоада қабул қилинган қонун-қоидаларга, норма шартларига жавоб бериши керак. Демак, лисоний белгининг нутқий мазмуни ҳам структуравий ва систем хусусиятларга эга бўлган ҳодиса сифатида қаралгани маъқул”, дея ёзган олимнинг сигматикага шубҳа билан қарагани сезилиб турибди. Кўринадики, тилшунос Ш.Сафаровнинг ҳам фақат семантика, синтактика ва прагматика семиотикани ташкил этувчи қисмлар деган фикрда эканлиги англашилади. Мақсадимиз семиотикани уч бўлимдан эмас, тўрт – яхлит ва мукамал бўлим ҳолида ўрганиш ва тақдим этишдан иборат.

Антик давр файласуф олимлари – стоиклар мантиқ ва лингвистикада бирдек тадқиқотлар олиб бориб, тилнинг пайдо бўлиши ва сўзларнинг номланишига алоҳида нуқтаи назардан ёндашганлар. Стоикларнинг ушбу қарашларини дастлаб Ч.Пирс қўллаб-қувватлади, сўнг рус олимлари А.О.Маковельский, А.Ф.Лосев, Р.Якобсон, В.Хлебникова, Р.В.Дуганов, И.М.Тронскийлар ўз ишларида ёқлаб чиқдилар¹¹. Олмон файласуфи Г.В.Лейбниц немис тили фактлари асосида кейинчалик стоикларнинг товушга

⁸ Ломтев Т.П. О природе значения языкового знака. Вопросы философии, 1960, № 7.

<https://danafae.org>biblio>lomtev>

⁹ Нурмонов А. Танланган асарлар .1-жилд. Лингвистик белги назарияси. Т.: Академнашр, 2012. -Б 65.

¹⁰ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. - Б.50.

¹¹ Пирс Ч. Принципы философии. Том 1.-СПБ.: Санкт-Петербургское общество, 2001.-224 с. Маковельский А. О. История логики. М., «Наука», 1967 (раздел «Логика Стой»); Лосев А. Ф. Знак. Символ. Миф. М., 1982 (раздел «Учение о словесной предметности [лектон] в языкознании античных стоиков»). — С. 102. Jakobson R. My metrical sketches, a retrospect.— «Linguistics», Mouton, 1979, vol 17, № 3/4 (то же в: Jakobson R. Selected Writings Vol. 5, Mouton, 1979). Велимира Хлебникова.— Глубокие семиотические идеи Хлебникова, в связи с его взглядами на «мифопоэтическое» слово, освещены в статьях: Дуганов Р. В. Краткое «искусство поэзии» Хлебникова.— «Изв. АН СССР. Серия литературы и языка», т. 33, 1974, вып 5; Дуганов Р. В. Проблема эпического в эстетике и поэтике Хлебникова.— «Изв. АН СССР. Серия литературы и языка», т. 35, 1976, вып. 5., Тронский И.М. История античной литературы. М.: Высшая школа, 1988. -465 с.

тақлид қилиш назариясини исботлади¹². Олим А.Нурмонов ўз рисолаларида “Стоиклар грамматик категорияларни белгилашда ҳам катта ютуқларга эришдилар” дея эътироф этади¹³. С.Усмонов стоиклар фаолияти билан шуғулланар экан, шундай ёзади: “Стоиклар шундай йўл тутар эдилар: сўзларнинг этимологиясини изоҳлаш мақсадида улар “бирламчи сўзлар”ни аниқлашга ҳаракат қилар эдилар. Бундай бирламчи сўзлар, уларнинг фикрича, товушлар символикаси ёки товушга тақлид қилиш бўлиб, айрим товушларга қандайдир маъно беришга асосланган эди. Гўё тил мана шундай дастлабки, бошланғич тақлидий сўзлардан келиб чиққан, деб ҳисоблаганлар”. Кўринадикки, стоикларнинг тилга оид кўплаб фалсафаси ҳаётий мисоллар билан далилланиши, ҳаққонийлиги, дунё тиллари учун таянч устунлардан бўлганига ишонч ҳосил қилади¹⁴. Демак, тилнинг семиотик системаси тўрт ракурсдан ташкил топади ва лисоний белгининг семантик-сигматик ва синтактик-прагматик аспект асосида ўрганишни тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Академ. Проект, –2001. – С. 45- 97.
2. Моррис Ч.У. Значение и значимость.Н.Й.Философская энциклопедия, 1964. –330 с.
3. Пирс Ч.С. Принципы философии.-СПБ.:С.- Петерб.филос.ово, 2001,- С. 94.
4. Пирс Ч.С. Избранные философские произведения.-М.:Логос, 2000.-412с. Пирс.Ч.С. Рассуждение и логика вещей.Лекции для Кембриджских конференций 1898/с “Введением”- М.:РГГУ, 2005.-376с.;
5. Пирс.Ч.С.Что такое знак? Вестн.Томского гос.унта.Сер.Философия. Социология. Политология. –2009.-№3(7). –С.88-95.
6. Клаус Г.Сила слова. –М.: Прогресс,1967.https://ru.m/.org/wiki.Klaus_Georg

¹² Лейбниц В.Сочинения: в 4 томах/ Г.В.Лейбниц.-М.: Мысл,1989.-Том 4 . -282 с.,Усмонов С. Умумий тилшунослик.Т.: Ўқитувчи, 1972.-Б.17.

¹³ Нурмонов А.Танланган асарлар. II жилд.Т.: Академнашр, 2012. -Б 11.

¹⁴ Усмонов С.Кўрсатилган манба.Т.: Ўқитувчи, 1972. Б-17.

7. Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. Т.: Академнашр, 2012. -Б 11.
8. Усмонов С. Умумий тилшунослик. Т.: Ўқитувчи, 1972.-Б.17.
9. Сафаров Ш. Семантика. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2013. 344-б.
10. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. 2008.-320 б.
11. Степанова Ю.С. Семиотика. –Москва. Радуга, 1983. -634 стр.